

**ТАРИХИЙ ХОТИРА – ЎЗЛИКНИ
АНГЛАШ
ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ
ТАРАҚҚИЁТ
ОМИЛИ**



*Республика илмий-назарий анжумани
материаллари*

**XVI
Бухоро – 2023**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**


**«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР»
кафедраси**

**«ТАРИХИЙ ХОТИРА – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА
МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ»**

**мавзусидаги республика илмий-назарий
анжумани материаллари**

XVI

Бухоро – 2023



Алимова М.М.....	46 бет
MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARI ILMIY MEROSIDAN SAMARALI FOYDALANISH USULLARI (ABU ALI IBN SINO MISOLIDA)	
Nurova S. N.....	48 бет
ИНСОН КАМОЛОТИ РИВОЖИДА ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ	
Шодиев Ж. Ж.....	50 бет
ИНСОН ЕР ВА КОИНОТНИНГ ЭНГ УЛУФ ҚАДРИЯТИ.	
Каримов Б.Х.....	51 бет
BUXORO BUYUK IPAK YO'LIDAGI SHAHAR.	
Hayitov J.Sh, Gulyamov A.A.....	53 бет
BUYUK SOHIBQIRON AMIR TEMURNING HARBIY JANGOVOR MAHORATI	
Sh. Alimova	56 бет
TARIX FANINI O'QITISHDA AJDODLAR MEROSIDAN FOYDALANISH AHAMIYATI	
Oripova M. Q.....	57 бет
ИНСОН КАМОЛОТИ РИВОЖИДА ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ	
Шодиев Ж. Ж.....	59 бет
МИРЗО СОМИЙНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИГА ОИД	
Каландарова Ф. А.....	60 бет
Рудакий қарашларида инсоний фазилят.	
А.А.Азимов.....	62 бет
КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
Л.С.Султанова.....	64 бет
ВКЛАД АКАДЕМИКА МУСАЕВА ДЖ.А. В РАЗВИТИЕ НАУКИ.	
Исаева Р.А.....	65 бет
KIMYO TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA INNOVATSION TA'LIM TEXNOLOGIYALA- RNING ROLI	
Karimova Z.....	67 бет
KIMYO FANINI O'RGANISH JARAYONIDA TALABALAR MA'NAVIYATINI SHAKLLAN- TIRISH MASALALARI	
Jo'raeva L.....	69 бет
IBN SINO IJODI-MA'NAVIYAT SARCHASHMASI SIFATIDA	
Nurova S. N.....	71 бет
“ТАРИХИ САЛОТИНИ МАНФИТИЯ” МИРЗО СОМИЙНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ СИФАТИДА	
Каландарова Ф. А.....	73 бет
ТИББИЁТ ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ	
Умурова Н.....	75 бет
Tarix darslarida o'zbek davlatchiligi tarixini o'rgatish: muammo va yechimlar	
Haydarov Y. H, Abdullayeva M.....	77 бет
Хайрия инсоний фазилят.	
А.А.Азимов.....	80 бет
ABDURAUUF FITRAT - MA'RIFATPARVAR ADIB	
Oripova M. Q.....	82 бет
KUCHLI DAVLATDAN-KUCHLI FUQAROLIK JAMIYATI SARI	
Adizova N.....	84 бет
ABU ALI IBN SINONING ANTROPOLOGIK VA GNOSEOLOGIK QARASHLARI	
Nurova S.N.....	86 бет
О РЕПРЕССИЯХ 1920-30 ГОДОВ В УЗБЕКИСТАНЕ.	
М.М.Алимова.....	87 бет
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	
Бобокулова М. Ф.....	89 бет

ko‘rolmagani kabi, joxillar ham to‘g‘ri yo‘l bayrog‘i (ilm)ni ko‘rolmaydilar”, deb ishongan ulug‘ mutafakkir: “Men ilmda eng yuqori cho‘qqilarga yetmoq istayman. Men u cho‘qqilarga yo yetaman, yo o‘lim meni tinchitadi”, - deb yozgan edi.

**“ТАРИХИ САЛОТИНИ МАНҒИТИЯ” МИРЗО СОМИЙНИНГ СИЁСИЙ
ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ СИФАТИДА**

**Каландарова Ферангиз Азаматовна
Бухоро Давлат Университети, Юриспруденция
ва ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси**

Мирзо Сомийнинг “Тарихи салотини манғития” асарини нафақат тарихий, балки муаллифнинг сиёсий қарашларини ўрганиш манбаси сифатида таҳлил этиш мумкин. Чунки асарни ёзиш жараёнида муаллиф тарихий ва замонавий воқеъликни баён этиш билан бир қаторда, уларга нисбатан ўзининг мустақил ёндашувини ҳам кўрсатади.

“Тарихи салотини манғития”нинг амир амир Абдулаҳадга бағишланган қисмида Сомийнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид шахсий фикрларини баён этади. У амирнинг ҳукмронлик йилларида рус-бухоро муносабатлари мустаҳкамланиб, улар ўртасидаги дўстона муносабатлар кучайганини ва амирнинг ўзи ҳар йили ўн беш-йигирматача мулозимлари билан Россияга қарашли Ялта шаҳрига камида икки ой дам олиб қайтиш одати бўлганини ёзади. Аммо шу ўринда амирнинг хазинадаги маблағларни анча қисмини сарфлаши, Бухоронинг маълум муддат ҳукмдорсиз қолиши ва Кармана шаҳрининг ҳукмдорнинг қароргоҳига айлантирилганини эслатиб ўтилиши, унинг бу масалаларда танкидий фикрда эканлигини пайқаш мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки амир Абдулаҳаднинг қароргоҳ сифатида Бухорони эмас, балки Кармана шаҳрини танлагани борасида турли фикрлар мавжуд. Улардан бирини Садриддин Айнингнинг манғитлар даври тарихига оид асарида учратамиз. Амир ҳокимиятини салбий баҳолаган Садриддин Айний, қароргоҳнинг ўзгартирилиши амир ҳаётининг иллатли томонларини яшириш мақсадида амалга оширилганини ёзади. Янъини ҳукмдор, ўз камчиликларини ва кирдикорларини яшириш мақсадида пойтахтдан узоқроқда туришни маъқул кўрган. Иккинчи бир тахминга кўра, Бухорода Россия империяси сиёсий агентлигининг ташкил этилиши(1886-1891), сиёсий агентликнинг амир ҳокимияти устидан назоратни амалга ошириши ҳукмдорга маъқул келмаган ва шу сабаб қароргоҳни ўзгартирган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки амир Музаффар ва амир Абдулаҳад ҳам россия билан ўзаро муносабатларни тўғридан-тўғри император саройи билан музокаралар олиб борган ҳолда амалга оширишни қанчалик исташмасин, Туркистон генерал-губернатори бунга йўл кўя олмасди ва бу каби муносабатлар улар орқали бўлишини хошлашган.

Сомий шунингдек мамлакатнинг инқирозга ушраши аломатларини амир Насруллонинг(1806-1860) ҳукмронлик йилларига боғлайди. Унинг фикрича айнан шу ҳукмдор даврида давлатнинг ҳурматга сазовор инсонлари эътиборсиз қолдирилиб, шафқатсиз инсонларга ҳомийлик қилиш тартиби жорий қилинган, амир Музаффар ва амир Абдулаҳад даврида бу тартиблар ўз мевасини бергани ва оддий ҳолга айланиб қолганини ёзади.

Амир Абдулаҳад ҳукмронги даврида қудратли амирлардан ҳеч ким қолмагани, уларнинг ўрнини боса оладигин авлодлари эса ёлланма ишчига айдангани, баъзилари эса қишлоқларда дехқончилик билан машғул бўлишганини ёзади. Шу ўринда у мамлакатнинг бошқарув аппаратида фаолият олиб бораётган шиалар ҳақидаги ўзининг салбий фикрларини билдиради. Бундан шу нарсани англаш мумкинки аввал хизматкорлик вазифаларини бажарган, қулликдаги шиаларнинг бундай сиёсий мавқега эришгани, айниқса руслар босқинидан кейин бу мавқеанинг янада мустаҳкамлангани Сомийга маъқул келмаган. Ҳукмдорнинг Бухорони ташлаб, Кармана шаҳрини қароргоҳ қилгани шиаларга қўл келгани ва уларга давлат бошқарувини ўз қўлларига олишга имкон яратиб берганини ёзади.

Шунингдек у рус амалдорларининг амирликдаги фаолияти ва русларнинг давлат ҳаётидаги таъсирини ёқламаган. Жумладан, амирлик ҳудудидан темир йўлнинг ўказилаши ва

телеграфнинг кириб келиши, амалдорларнинг бунга етарлича қаршилиқ кўрсата олишмагани ва аксинча уларга ҳайрихоҳлиги натижаси сифатида баҳолаган.

Сомий амир Абдулаҳад давридаги қуролли кучлар ҳақида гапирар экан, навкарларнинг аҳволи ёмонлашгани, сарбозларнинг аксарияти ўғри ва нотавон бўлганлигидан шикоят қилади.

Бундан ташқари Сомий Дамирийнинг “Ҳаёт ул-ҳайвон” асаридан иқтибос келтириб, сулоланинг ҳар олтинчи ҳукмдори албатта ҳокимиятдан ағдарилишини таъкидлайди. Давлатнинг инкирозининг ташқи сабаблари қаторига Сомий русларнинг бу ҳудудларни босиб олишгани ва ҳукмдорни бўйсундириб, унинг амалдорлари орқади мақсадларига эришаётганлари кўрсатилади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики Сомий русларнинг амирликка ўтгазаётган таъсири, давлат бошқарувидаги аралашуви, амир ва унинг амалдорларининг келишувчилик сиёсатига нисбатан танқидий фикрда бўлган. Унинг бундай муносабати эса, шу даврни ўрганувчи тадқиқотчилар назарида рус босқинининг прогрессив аҳамиятини тушунмаган тарихчи сифатида баҳоланган¹.

Шунингдек Сомий Россия империяси ва унда кечаётган жараёнларга ҳам ўзининг муносабатини билдирган. Империянинг кучсизланишига сабаб қилиб бир қанча воқеаларни келтириб ўтади. Шунингдек, у рус-япон урушидаги русларнинг мағлубиятини Аллоҳнинг иродаси билан боғлаган. Яъни русларнинг урушдаги мағлубиятига, уларнинг ислом оламига келтирган зарарига нисбатан жазо сифатида қараган. Империяда бўлиб ўтган 1905-йилги инкилоб, инкилоб иштирокчиларининг талаблари борасидаги ўзининг фикрлари, республика, давлат бошқарувида махсус кенгашнинг ташкил этилиши, давлат аҳамиятига оид масалалар фақат шу кенгашнинг чуқур ўрганиши ва кенгашишидан сўнг амалга оширилиши кераклигига оид фикрлари Сомийнинг дунё сиёсий майдонларида кечаётган жараёнлар, ўзгаришлардан хабардор бўлганлигидан далолат беради. Дикқатга сазовор томони шундаки, Сомий империянинг кучсизланганидан фойдаланиб қўлдан кетган ҳудудларни қайтариб олиш кераклиги ва бу масалада этиборсизлик, сусткашликка йўл қўйилаётганини ёзади.

Сомий Россия империясидаги революцион ҳаракатлар рус-бухоро савдосига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётгани ва бухоролик савдогарлар Нижний Новгородда бўлиб ўтадигин Макарьев ярмаркасига боролмай қолишганини масаласига ҳам тўхталиб ўтади.

Сомий ҳукмдор ҳақидаги (амир Абдулаҳад) фикларини ёзишда давом этар экан, унинг ҳукмронлик йиллари ҳақида ижобий фикрларни ҳам келтиради. Жумладан, мамлакат бу даврда бутунлай хавфдан холи ва фаровон яшагани, ўзаро курашлар тугагани, тинчлик ва хотиржамлик ҳукмрон бўлиб, Андижонда бўлган қозғолондан ташқари ёзишга арзигулик бирор воқеа бўлмаганини айтади. Сомийнинг сиёсий қарашларидаги бундан икки хиллик уни мамлакатдаги воқеаларга нисбатан бир томонлама баҳо берувчи баъзи тарихчилардан ажратиб туради. Чунки у бир томондан амирнинг империя билан олиб бораётган муносабатларига танқидий назар билан қарасада, мамлакатнинг ички аҳволидаги ижобий ўзгаришларни муносиб баҳолаган, рад этмаган.

Сомий Андижонда бўлиб ўтган, Ўзбекистон тарихида миллий озодлик ҳаракати сифатида ўрганиладиган қўзғолонга ҳам алоҳита тўхталади. Сомий русларнинг мамлакатнинг ички ҳаётига таъсиридан норози бўлсада, Дукчи Эшон қозғолонини ўринсиз қўзғолон сифатида баҳолаган. У кўплаб бегуноҳ мусулмонларнинг ўлимини бунга сабаб қилиб келтиради. Генерал-губернаторнинг қўзғолончиларнинг шавқатсиз жазолагани натижасида, қўзғолонга алоқаси бўлмаган кўплаб инсонлар қатл этилган. Шунинг учун Сомий қўзғолончиларни “йўлдан адашганлар” деб атайди. Бундан ташқари қўзғолонда руслардан ҳам бир қанча киши вафот этгани сабаб, Андижон вилоятдан ташқари Самарқанд, Шош, Каттақўрғон, Пандшанба аҳолисидан катта миқдорда, “омон пули” сифатида солиқ йиғилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Сомий тарихий воқеаларни ёритар экан уларга ҳам ижобий, ҳамда салбий томондан ёндашган. У тарихчи сифатида, нафақат мамлакатнинг ички ҳаёти, ҳукмдор олиб бораётган сиёсат, ижтимоий аҳволдан хабардор бўлган, балки мамлакат

¹ С.Н. Брежнева, О.А. Богданова. Война Бухарского эмирата с Российской империей в воспоминаниях очевидцев. Научные ведомости. //Серия История. Политология' 2017 № 22 (271). Выпуск 44. С-106.

ташқарисида бўлиб ўтаётган воқеалардан ва сиёсий вазиятдан бохабар бўлган. Уларга ўзининг дунёқараши доирасида баҳо берган.

ТИББИЁТ ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ

Умурова Нигора- БТИ ўқитувчиси

Жаҳон тиббиётида касалликни даволагандан кўра олдини олган афзал, деган тушунча тобора кенг қулоч ёймоқда. Бу айниқса, бугунги глобаллашув жараёнида долзарб тус олаётган юрак, қон-томир, асаб тизими, саратон, ўпка, нафас йўллари ва бошқа юқумсиз касалликларга қарши курашишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўрганишлардан маълум бўлишича, юқумсиз касалликлар мамлакатимиз аҳолиси саломатлиги кўрсаткичига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Маълумотларга кўра, камҳаракатлилик ва нотўғри овқатланиш оқибатида Ўзбекистон аҳолисининг ярми ортиқча вазнга эга, одамларимизнинг тахминан 51 фоизида қон таркибида меъеридан ортиқ холестерин мавжуд, 40 фоизида қон босими юқори. Юртимизда деҳқончилик маҳсулотлари мўл-кўл етиштирилса-да, аҳоли кундалик овқат рационида мева-сабзавот истеъмоли етарли эмас. Ушбу муаммолар туфайли Ўзбекистонда йиллик ўлим ҳолатларининг 78 фоизи айнан юқумсиз касалликлар улушига тўғри келмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 18 декабрда қабул қилинган “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ана шундай долзарб муаммолар ечими йўлида муҳим қадам бўлди. Ушбу қарорда тиббий-профилактика соҳасида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, жисмоний фаоллик ва тўғри овқатланиш маданиятини кенг тарғиб этиш борасида тизимли вазифалар белгиланди.

Хусусан, ушбу йўналишда 2022 – 2023 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш Концепцияси ва чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди. Унга мувофиқ, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, саломатликка салбий таъсир этувчи ичиш, чекиш каби зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантириш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ҳаракатини тиббиёт профилактикаси билан уйғунлаштириш билан боғлиқ муҳим лойиҳалар амалга оширилади.

Бу бирламчи-тиббий профилактика муассасалари – қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникалари, туманлардаги марказий кўп тармоқли поликлиникалар зиммасига катта масъулият юклайди. Патронаж ишларини янада такомиллаштириш талаб этилади. Патронаж хизмати уйма-уй юриб, оиладаги ҳар бир инсон, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами – болалар, ўсмирлар, аёллар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан доимий хабар олиш, уларга ўз вақтида, зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида иш олиб бормоқда.

Эндиликда, патронаж ишлари уч босқичда амалга оширилмоқда. Бунда аҳолининг ҳар олти ойда хатловдан ўтказиш, хонадонларда мақсадли патронаж тадбирларини ташкил этиш орқали касалликларнинг олдини олиш, ихтисослашган тиббий кўмакка муҳтож беморларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш асосий мақсад этиб белгиланган. 220 та халқаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Шифокорлар малакасини ошириш, тиббий таълим ва илм-фан соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ҳам доимий эътиборда. Ҳозирда мамлакатимиз тиббиёт олий ўқув юртлари ва хориждаги нуфузли тиббий таълим марказлари ўртасида 220 та ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Тиббиёт тизимида яратилаётган замонавий шароитлар туфайли сўнгги икки йил ичида юзга яқин чет эллардаги нуфузли клиникаларда ишлаётган ватандошларимиз юртимизга қайтиб халқимизга тиббий хизмат кўрсатаётганини ҳам тиббиётимизнинг яна бир ютуғидир.

Жорий йилда беш юз нафардан кўпроқ ёш мутахассисларнинг чет элда малака ошириши, 400 нафардан зиёд хорижлик